

Фойда солиғи ҳисоб-китобини тўлдириш бўйича

қўлланма

(Давлат солиқ қўмитасининг 2020 йил 28 январдаги “Солиқ ҳисоботининг шакллари тасдиқлаш тўғрисида”ги қарорига 3-илова, Адлия вазирлиги томонидан 2020 йил 24 февраль куни 3221-сон билан рўйхатга олинган)

1. Умумий қоидалар

Фойда солиғи бўйича солиқ ҳисоботи Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексига (кейинги ўринларда СК деб аталади) мувофиқ ушбу солиқни тўловчиси бўлган шахслар томонидан тўлдирилади.

Фойда солиғи Солиқ кодексининг 294-363-моддалари билан тартибга солинади. Ҳисобот шаклини тўлдириш ва юбориш my.soliq.uz сайти орқали амалга оширилади.

Фойда солиғи бўйича солиқ ҳисоботи қуйидагиларни ўз ичига олади:

- 1) Фойда солиғи ҳисоб-китоби *(пакет коди 10205_41)*;
- 2) Солиқ агентлари томонидан тўлов манбаида ушлаб қолинган дивидендлар ва фоизлар тарзида тўланадиган даромадлардан олинган солиқ ҳисоб-китоби *(пакет коди 10202_9)*;
- 3) Норезидентларнинг даромадидан солиқ агенти томонидан тўлов манбаидан ушлаб қолинган фойда солиғининг ҳисоб-китоби *(пакет коди 10307_6)*;
- 4) Соддалаштирилган тартибини қўлловчи солиқ тўловчилар учун фойда солиғи ҳисоб-китоби *(пакет коди 10205_39)*;
- 5) Фойда солиғи ҳисоб-китоби *(НКМК АЖ ва ОКМК АЖ учун пакет коди 10205_36)*;
- 6) Фойда солиғи ҳисоб-китоби *(Сугурта корхоналари учун пакет коди 10205_38)*;
- 7) Даромад суммаси ва ушлаб қолинган солиқнинг жами суммаси тўғрисида маълумотнома;
- 8) Юридик шахс - Ўзбекистон Республикаси норезидентининг мол-мулкни реализация қилишдан олинган даромадлари бўйича фойда солиғи ҳисоб-китоби;
- 9) Норезидентнинг Ўзбекистон Республикаси ҳудудидаги доимий муассаса орқали фаолияти билан боғлиқ бўлмаган даромадидан солиқ агенти томонидан тўлов манбаида ушлаб қолинган фойда солиғини қайтариш тўғрисида ариза.

Солиқ тўловчилар солиқ ҳисоботини топширишда давлат солиқ хизмати органларига фақатгина маълумотлар мавжуд бўлган Ҳисоб-китобларнинг иловаларини тақдим этишади.

2. Фойда солиғи ҳисоботи қуйидаги муддатларда тақдим этилади:

- 1) ҳисобот чораги якунлари бўйича - ҳисобот чорагидан кейинги ойнинг йигирманчи кунидан кечиктирмай;
- 2) Йил якунлари бўйича - солиқ йили ўтгандан кейинги йилнинг 1 мартдан кечиктирмай.

Бюджет ташкилотлари ва нодавлат нотижорат ташкилотлари томонидан солиқ бўйича солиқ ҳисоботи солиқ даври якунларига кўра тақдим этилади, бундан матлубот кооперативлари мустасно. Бунда ўтган солиқ даври якунлари бўйича жами даромад мавжуд бўлмаган тақдирда солиқ ҳисоботини тақдим этиш талаб қилинмайди. (СК-339-модда)

3. Фойда солиғи ҳисоб-китоб шаклини ва унинг иловаларини тўлдириш тартиби

Фойда солиғи ҳисобот шакли Ҳисоб-китоб ва 14 та илонадан иборат:

1-илова. Жами даромадлар;

2 ва 2.1-илова. Солиқ ҳисоби маълумотларига кўра харажатлар (зарарлар);

2.1(а)-илова. Бевосита харажатлар моддалари асосида товарлар (хизматлар) таннарни (ўз маҳсулоти (жу жумладан бажарилган хизматлар), сотиб олинган товарлар) ҳисоб-китоби ;

2.1(б)-илова. Бевосита харажатлар сумма асосида товарлар (хизматлар) таннарни (ўз маҳсулоти (жу жумладан бажарилган хизматлар), сотиб олинган товарлар) ҳисоб-китоби;

3-илова. Инвестициявий чегирма ҳисоб-китоби;

4-илова. Асосий воситаларнинг амортизацияси ҳисоб-китоби маълумотномаси;

5-илова. Номоддий активлар амортизация харажатлари ҳисоб-китоби маълумотномаси;

6-илова. Имтиёзлар;

7-илова. Ноль ставка қўлланиладиган солиқ тўловчилар фойдаси;

8-илова. Жорий солиқ давридаги солиқ солинадиган фойдани камайтирадиган ўтган йиллар зарари суммасининг ҳисоб-китоби;

9-илова. Операцияларнинг айрим турлари бўйича зарарларни ўтказишнинг ўзига хос хусусиятлари;

10-илова. Ҳисобга олиннадиган Ўзбекистон Республикасидан ташқарида тўланган фойда солиғи суммаси;

11-илова. Ўзбекистон Республикаси резидентлари томонидан Ўзбекистон Республикасидан ташқарида олиниши лозим бўлган (олинган) дивидендлар тарзидаги даромадлардан фойда солиғининг маълумотнома ҳисоб-китоби.

12-илова. Солиқ кодексининг 177-моддасига мувофиқ солиқ тўловчи томонидан солиқ базасига ва (ёки) солиқнинг (зарарнинг) суммасига мустақил равишда тузатишлар киритилиши тўғрисида маълумот;

4. Ҳисоб-китоб шаклини тўлдириш тартиби

Фойда солиғи бўйича солиқ коди 32, йил, давр ва ҳисобот тури танланади.

Электрон ҳисобот шаклининг сатрлари 2 хил рангда акс эттирилган бўлиб, кўк рангдаги сатрлар солиқ тўловчи томонидан тўлдирилади, сариқ рангдаги сатр эса автоматик равишда шаклланади.

Ҳисоб-китоб ушбу солиқни тўловчилари томонидан ҳар чорақда, йил бошидан **ўсиб борувчи тартибда сўмда** тўлдирилади.

Ҳисоб-китобнинг “Ходимларнинг умумий ўртача йиллик сони” катакчасида юридик шахс билан тузилган меҳнат шартномасига (контрактига), шу жумладан ўриндошлик, пудрат шартномалари ва бошқа фуқаролик-ҳуқуқий тусдаги шартномаларга мувофиқ ишларни бажараётган жисмоний шахслар сони кўрсатилади. Ҳисоб-китобнинг “шундан, ногиронлиги бўлган шахслар” катакчасида ногиронлиги бўлган шахслар сони кўрсатилади.

Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 294 ва 461-моддасига мувофиқ солиқ даврида товарларни (хизматларни) реализация қилишдан олинган жами даромади бир миллиард сўмдан ошган айланмадан олинадиган солиқни тўловчилар белгиланган чегаравий миқдор ошиб кетган ойдан кейинги ойнинг бошидан бошлаб фойда солиғини тўлашга ўтиши шарт.

Мазкур солиқ тўловчилар Ҳисоб-китобнинг “Фойда солиғини ойдан бошлаб тўлайди^{*}” сатрида белгиланган чегаравий миқдор ошиб кетган ойдан кейинги ойнинг бошини акс эттиради (*Масалан, корхонанинг ялпи тушуми апрель ойида 1 млрд.сўмдан ошиб кетган тақдирда, 1 майдан бошлаб фойда солиғини тўлашга ўтиши ва ушбу катакчада май ойини ёзиб қўяди*).

Ҳисобот шакли йил якуни билан тақдим этилганда, солиқ тўловчи томонидан солиқ солиш мақсадларида танлаган ҳисоб сиёсатидан келиб чиқиб ҳисоб-китоб шаклидан товарлар (хизматлар) таннархи аниқлаш бўйича қуйидаги усулларида бирини танлаши лозим бўлади. Бунда танланган усулга “1” рақами қўйилади. Булар қуйидаги усуллар:

– Бевосита харажатлар **моддалари асосида** товарлар (хизматлар) таннархи аниқланганда (*2.1(а)-илова*) мутаносиб ёки тўғридан-тўғри ҳисобга олиш усули;

– Бевосита харажатлар **суммаси асосида** товарлар (хизматлар) таннархи аниқланганда (*2.1(б)-илова*) мутаносиб ёки тўғридан-тўғри ҳисобга олиш усули;

Ҳисобот шакллари тўлдиришда шаклларнинг пастки қисмида қайд этилган изоҳларга эътибор берган ҳолда маълумотларни қайд этиш лозим.

Ҳисоб-китоб сатрларини тўлдиришда қуйидагилар кўрсатилади:

1) **010-сатрда** – Солиққа тортиладиган жами даромадлар акс эттирилади. Ушбу сатр кўрсаткичи Ҳисоб-китобнинг 1-илоvasи 010-сатридан ушбу илованинг 110, 121, 131, 150 - сатрлари айрилганига тенг бўлиши керак (*Электрон солиқ ҳисоботи шаклларида ушбу сатр кўрсаткичи Ҳисоб-китобнинг 1-илоvasи тўлдирилгандан сўнг автоматик равишда шаклланади*);

2) **020-сатрда** - Чегириладиган харажатлар. Ушбу сатр қиймати қуйидаги формула орқали аниқланади:

(Ҳисоб-китобнинг 2-иловаси 010-сатри 3 ва 4 устунлар айирмаси);

3) **030-сатри** - солиқ солинадиган фойда. Ушбу сатр қиймати қуйидаги формула орқали аниқланади:

(010-сатр - 020-сатр));

4) **040-сатри** – имтиёзлар. Ушбу сатрда ҳисоб-китобнинг 3-иловаси 3-устун 030-сатридаги суммаси келтирилади);

5) **050-сатри** – ноль ставка қўлланиладиган солиқ тўловчилар фойдаси. Ушбу сатрда ҳисоб-китобнинг 5-иловаси 030-сатридаги суммаси келтирилади);

6) **060-сатрида** – Солиқ базаси. Ушбу сатр қиймати қуйидаги формула орқали аниқланади);

(030-сатр - 040-сатр - 050-сатр)

7) **070-сатрида** - Солиқ кодексининг 337-моддасида белгиланган ставка кўрсатилади. 2022 йил учун банклар 20 фоиз, полиэтилен гранулалар ишлаб чиқаришни амалга оширувчилар, асосий фаолият тури мобил алоқа хизматлари кўрсатишдан иборат бўлган юридик шахслар, бозор ва савдо комплексларида хизмат кўрсатишдан олинган фойда 20 фоиз, бошқа корхоналар 15 фоиз кўрсатадилар. Ноль ставкани қўллайдиган солиқ тўловчилар 5-иловани тегишли сатрларини тўлдирган ҳолда мазкур сатрга 15 фоиз кўрсатади);

Бунда, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 26 декабрдаги ПҚ-4086-сонли қарорининг 4-бандига асосан Фойда солиғини имтиёзлар амал қилиш муддати тугагунга қадар икки баравар пасайтирилган ставкада тўлаш тартибини қўллаётган юридик шахслар 3-илованинг 051-052-сатрларида солиқ базасининг 50 фоизини кўрсатади);

8) **071-сатрида** - Ногиронлиги бўлган шахслар меҳнатидан фойдаланаётган юридик шахслар учун тузатилган солиқ ставкаси. Ушбу сатр қиймати “Ногиронлиги бўлган шахслар” каталогининг ногиронлиги бўлган шахслар сони кўрсатилиши натижасида автоматик аниқланади (СК 337-модда));

Ходимларнинг умумий сони 500

шундан, ногиронлиги бўлган шахслар 20

9) **080-сатрида** - Фойда солиғи суммаси аниқланади);

10) **090-сатрида** - Ушбу ҳисобот чорагида ҳисобланган бўнақ тўловлари. Ушбу сатрда жами даромади жорий ва ўтган солиқ даврида беш миллиард сўмдан ошадиган солиқ тўловчиларга тегишли ҳисобот чорагида ҳисобланган бўнақ тўловлари кўрсатилади;

11) **100-сатрида** - Онлайн назорат-касса машинаси ва виртуал кассага уланган, штрих-кодлар ва рақамли маркировка кодларини тўғри ўқишни ва аниқлашни таъминловчи махсус қурилмаларни сотиб олиш билан боғлиқ харажатлар суммаси;

12) **110-сатрида** - Доимий муассаса сифатида ҳисобга қўйилгунига қадар тўлов манбаида ушлаб қолинган фойда солиғи суммаси кўрсатилади. Ҳисобга олиш солиқ

агенти томонидан солиқ ушлаб қолинганлигини тасдиқловчи ҳужжатлар мавжуд бўлган тақдирда амалга оширилади (СК 350-модда));

13) **120-сатрида** - Доимий муассасанинг ҳисобот давридаги соф фойдаси. Солиқ кодекси 347-моддаси 9-қисмига асосан солиқни тўлангандан кейин ўз тасарруфида қоладиган соф фойда суммаси кўрсатилади.

14) **130-сатрида** - Доимий муассасанинг соф фойдасидан олинадиган солиқ ставкаси кўрсатилади. Бунда солиқ ставкаси Солиқ кодекс 353-моддасининг 1-бандига асосан 10 фоиз қилиб белгиланган.

15) **140-сатрида** - Доимий муассасанинг соф фойдасидан олинадиган солиқ суммаси автоматик равишда ҳисобланади.

16) **150-сатрида** - Фойда солиғининг бюджетга тўланиши лозим бўлган жами суммаси. Барча иловалари тўлдирилганидан сўнг ушбу сатр қиймати шаклланади ва ушбу сумма солиқ тўловчининг шахсий карточкасига киритилади;

Ҳисоб-китобнинг 1-иловасини тўлдириш тартиби

1-илова – жами даромадлар, унда қуйидагилар кўрсатилади: (СК-297-модда)

1) **010-сатрда** – жами даромадлар. Ушбу сатр қиймати 010 - 180-сатрлар йиғиндисига тенг;

2) **021-026-сатрларда** - тегишли фаолият турларини танланган ҳолда товарларни (хизматларни) реализация қилишдан олинган даромад кўрсатилади. Ушбу маълумотларни 9000 “Асосий (операцион) фаолиятдан олинадиган даромадларни ҳисобга олиш учун ҳисобварақлар” айланмасидан олиш мумкин;

3) **030-сатрда** - Кредит (қарз, микрокредит ва бошқа молиявий операциялар) бўйича мукофот тарзидаги даромадлар кредит ташкилотлари томонидан тўлдирилади.

4) **040-сатрда** - Суғурта, қайта суғурта ташкилотининг суғурта, қайта суғурта қилиш шартномалари бўйича даромадлар кўрсатилади;

5) **050-сатрда** – Амортизация қилинадиган активларнинг ва бошқа мол-мулкнинг чиқиб кетишидан олинган даромад;

6) **060-сатрда** - Мол-мулкни мулк ижарасига (ижарага) беришдан олинган даромад, бундан молиявий ижара (лизинг) мустасно;

7) **070-сатрда** - Текин олинган мол-мулк (хизматлар), молиявий ёрдамлар;

8) **080-сатрда** - Инвентаризация натижасида аниқланган ортиқча товар-моддий захираларнинг ва бошқа мол-мулкнинг қиймати тарзидаги даромад;

9) **090-сатрда** - Қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда мажбуриятларни ҳисобдан чиқаришдан олинган даромад;

10) **100-сатрда** - Талаб қилиш ҳуқуқидан ўзганинг фойдасига воз кечиш шартномаси бўйича олинган даромад;

11) **110-сатрда** - Дивидендлар тарзидаги даромадлар, мазкур даромадлар солиқ базасини аниқлашда чегириб ташланади.

12) **120-сатрда** - Фоизлар тарзидаги даромадлар,
121-сатрда - солиқ агенти томонидан тўлов манбаида солиқ суммаси ушлаб қолинган фоизлар тарзидаги даромадларни нотижорат ва бюджет ташкилотлари кўрсатади.

13) **130-сатрда** - Валюта курси фарқидан даромадлар;

131-сатрда-Нотижорат ташкилотларининг валюта курси фарқидан даромадлари;

14) **140-сатрда** - Молиявий ижара (лизинг) шартномасига биноан мол-мулкни бериш бўйича пул мукофоти тарзидаги даромад;

15) **150-сатрда** - Нотижорат ташкилотлари томонидан аҳолининг диний мақсадда фойдаланиши учун мўлжалланган товарларни реализация қилишдан олинган даромадлари;

16) **160-сатрда** – Назорат қилинадиган чет эл компаниясининг тақсимланмаган фойдаси;

17) **170-сатрда** – Трансферт нархни белгилаш натижасида олинмаган даромад суммаси;

18) **180-сатрда** – Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодекс 248-моддасининг тўртинчи қисмида белгиланган ҳолларда ва тартибда солиқ базасига товарларнинг (хизматларнинг) бозор қийматидан келиб чиққан ҳолда тузатиш киритиш натижасида олинган даромадлар;

19) **190-сатрда** - Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 332-моддасида келтирилган ҳолларда даромадларга тузатиш киритиш суммалари;

20) **200-сатрда** - Айрим операциялар бўйича даромадлар. Ушбу сатр қиймати Ҳисоб-китобнинг 7-илоvasи 070-сатри 3–8 устунлар йиғиндисига тенг;

21) **210-сатрда** - Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 347-моддаси 3-қисмида келтирилган даромадлар.

22) **221-228-сатрларда** – 020-210-сатрларда кўрсатилмаган бошқа даромадлар кўрсатилади.

Агар муайян бир даромад даромадларнинг бир нечта моддасида назарда тутилган бўлса, жами даромадни аниқлашда мазкур даромад фақат бир марта киритилади.

Ҳисоб-китобнинг 2-илоvasини тўлдириш тартиби

Диққат !!!

Мазкур илова солиқ ҳисоботини I-III чорақлар бўйича тақдим этилганда тўлдирилади.

2-илова Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 305-332-моддалари ва келтирилган харажатларни акс эттириш учун мўлжалланган.

2-иловада қуйидагилар кўрсатилади:

3-устунда барча харажатлар (зарарлар) суммаси, шундан, 4- устунда чегирилмайдиган харажатлар (зарарлар) суммасини кўрсатиш лозим.

1) **010-сатрда** – 020-030-сатрлар қийматларининг йиғиндиси сифатида аниқланадиган харажатларнинг жами суммаси;

2) **020-сатрда** – сотилган товар (хизматлар) таннархини ҳисобга олиш ҳисобварақларида (9100) ҳисобга олинган, сотилган маҳсулот (товарлар, хизматлар) таннархининг суммаси кўрсатилади. Савдо корхоналари ушбу сатр бўйича сотилган товарларнинг харид қийматини акс эттиридилар;

3) **030-сатрда** – Сотилган товар (хизматлар) таннархига киритилмайдиган Бошқа харажатлар (зарарлар) акс эттирилади.

Қуйидаги харажатлар турлари:

– 9410-"Реализация харажатлари" ҳисобварағида юритиладиган: маҳсулотни реализация қилиш харажатлари, яъни маҳсулотни истеъмолчига етказиш, транспорт воситаларига ортиш билан боғлиқ харажатлар, маркетинг билан шуғулланадиган бўлимлар ва ходимларнинг харажатлари ва ҳоказолар акс эттирилади;

– 9420-"Маъмурий харажатлар" ҳисобварағида юритиладиган: корхонани бошқариш харажатлари, бошқарув ходимлари меҳнатига ҳақ тўлаш харажатлари, умуммаъмурий мақсаддаги асосий воситаларни таъмирлаш харажатлари, умумхўжалик мақсадидаги хоналарнинг ижара ҳақи ва бошқа маъмурий харажатлар акс эттирилади;

– 9610-"Фоишлар кўринишида харажатлар" ҳисобварағида юритиладиган, банклар кредитлари ва қарзлар бўйича фоишларни тўлаш харажатлари, молиявий ижара бўйича фоишларни тўлашга харажатлар;

– 9620-"Валюта курсларидаги фарқлардан зарарлар" ҳисобварағида юритиладиган, валюта операциялари бўйича ва баланс тузиш санасида баланснинг валюта моддаларини қайта баҳолашдан манфий курслардаги фарқлар;

– 9630-"Қимматли қоғозларни чиқариш ва тарқатиш харажатлари" ва 9690-"Молиявий фаолият бўйича бошқа харажатлар" ҳисобварақларида юритиладиган, қимматли қоғозларни чиқариш ва тарқатиш билан боғлиқ харажатлар ҳамда молиявий фаолиятга доир бошқа харажатлар акс эттирилади.

– 9430-"Бошқа операцион харажатлар" ҳисобварағида юритиладиган: кадрларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш харажатлари, ахборий, аудиторлик ва маслаҳат хизматларига ҳақ тўлаш харажатлари, компенсациялайдиган ва рағбатлантирадиган хусусиятдаги тўловлар, иш ҳақини ҳисоблаб ёзишда ҳисобга олинмайдиган тўловлар ва харажатлар, банк, Қимматли қоғозлар марказий депозитарийсининг ва қимматли қоғозлар бозори профессионал иштирокчиларининг хизматларига ҳақ, зарарлар, жарималар, пенялар ва операцион фаолият жараёнида юзага келадиган, ишлаб чиқариш жараёни, молиявий фаолият билан боғланмаган ва харажатларнинг фавқулодда моддалари сифатларига эга бўлмаган бошқа харажатлар акс эттирилади.

010-сатрига киритиладиган асосий харажатлар 0101-0135-сатрларида жами харажатларининг камида 90 фоиз харажатлар таркибини кўрсатиш лозим.

4) **0101-сатрда** - Ишлаб чиқариладиган маҳсулотнинг асосини ташкил этиб, унинг таркибига кирадиган ёки маҳсулот тайёрлашда (ишларни бажаришда, хизматлар кўрсатишда) зарур таркибий қисм ҳисобланган четдан сотиб олинadиган хом ашё ва материаллар;

5) **0102-сатрда** - сарфланган ёқилғи харажатлари;

6) **0103-сатрда** - сарфланган табиий, суюлтирилган газ харажатлари;

7) **0104-сатрда** - сарфланган электр энергия харажатлари;

8) **0105-сатрда** - меҳнатга ҳақ тўлаш харажатлари ва ижтимоий солиқ бўйича харажатлар;

9) **0106-сатрда** - асосий воситалар ва номоддий активлар амортизацияси;

01061-сатрда - жумладан қўлланилган инвестициявий чегирма суммаси;

10) **0107-сатрда** - қайта сотиш учун сотиб олинган товарлар қиймати;

11) **0108-сатрда** - машина ва асбоб-ускуналарни жорий ва капитал таъмирлаш;

12) **0109-сатрда** - маркетинг ва реклама харажатлари;

13) **0110-сатрда** - Транспорт хизмати ва ташиш харажатлари;

14) **0111-сатрда** - Оператив ижара бўйича харажатлар;

15) **0112-сатрда** - мол-мулк, ер, сув ресурсларидан ҳамда ер қаъридан фойдаланганлик солиқлар;

16) **0113-сатрда** - Фоизлар ва айрим чиқимлар бўйича харажатлар, шу жумладан, 01131-сатрда кредитлар бўйича ҳисобланган фоизлар;

17) **0114-сатрда** – салбий курс фарқидан зарарлар;

18) **0115-сатрда** – Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 314-моддаси бўйича қўшилган қиймат солиғига доир харажатлар;

19) **0116-сатрда** – Умидсиз қарзлар бўйича харажатлар;

20) **0117-сатрда** – захира фондларини шакллантириш харажатлари;

21) **0118-сатрда** – Трансферт нархни белгилаш натижасида оширилган харажат суммаси;

22) **0119-сатрда** – солиқ тўловчининг Солиқ кодексининг 376-моддасида назарда тутилган жисмоний шахснинг моддий наф тарзидаги даромадлари ҳисобланган харажатлари;

23) **0120-сатрда** – пенсияларга устамалар ва қўшимча тўловлар;

24) **0121-сатрда** – Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодекси 377-моддаси биринчи қисми 10-бандининг тўртинчи ва бешинчи хатбошиларида кўрсатилган моддий ёрдам;

25) **0122-сатрда** – хайрия ёрдамини амалга ошириш учун харажатлар, бундан меценатлик кўмагини кўрсатиш, ўқув-тарбия муассасаларига ёки етим болаларга ва ота-она қармоғидан маҳрум бўлган болаларга моддий ёрдам кўрсатиш учун йўналтирилган маблағлар, шунингдек Болаларни қўллаб-қувватлаш жамоат фондига хайрия қилинган маблағлар мустасно;

26) **0123-сатрда** – айбдорлари аниқланмаган талон-тарож қилишлар ва камомадлардан ёки айбдор тараф ҳисобидан зарур суммаларнинг ўрнини қоплаш имкони бўлмаган тақдирда кўрилган зарарлар;

27) **0123-сатрда** – бошқа шахслар учун тўланган солиқлар;

28) **0125-сатрда** – солиқ текширувлари натижалари бўйича қўшимча ҳисобланган солиқлар ва йиғимлар;

29) **0126-сатрда** – солиқ тўловчининг тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш билан боғлиқ бўлмаган тадбирларга (соғлиқни сақлашга оид, спорт ва маданий тадбирлар, дам олишни ташкил этиш ҳамда бошқа шунга ўхшаш тадбирларга) доир харажатлари, бундан тадбирларни ўтказишга доир мажбуриятлар қонунчилик билан солиқ тўловчининг зиммасига юклатилган ҳоллар мустасно;

30) **0127-сатрда** – маҳсулот ишлаб чиқариш билан боғлиқ бўлмаган хизматлар (шаҳарларни ва шаҳарчаларни ободонлаштириш бўйича хизматлар, қишлоқ хўжалигига ёрдамлашиш ва хизматларнинг бошқа турлари) кўрсатганлик учун қилинган харажатлар;

31) **0128-сатрда** – даромад олишга қаратилган фаолият билан боғлиқ бўлмаган харажатлар, агар қонун ҳужжатларига мувофиқ бундай харажатларни амалга ошириш мажбурияти солиқ тўловчининг зиммасига юклатилмаган бўлса;

32) **0129-сатрда**- бюджет тизимига киритилиши лозим бўлган (киритилган) пенялар, жарималар ва бошқа санкциялар;

33) **0130-сатрда**- текин берилган мол-мулкнинг (хизматларнинг) қиймати ва бундай бериш билан боғлиқ бўлган (шу жумладан қўшилган қиймат солиғи суммаси киритилган) харажатлар, бундан Ўзбекистон Республикаси Президентининг ёки Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорига кўра мол-мулкни ўтказиш, шунингдек телекоммуникация тармоқларидаги тезкор-қидирув тизимининг техник воситаларини ўтказиш ва улардан фойдаланиш бўйича хизматлар кўрсатиш мустасно;

34) **0131-сатрда**- нотижорат ташкилотларига ва халқаро ташкилотларга тўланадиган бадаллар, йиғимлар ва бошқа тўловлар, бундан бундай бадалларни, йиғимларни ва бошқа тўловларни тўлаш қонунчиликда (шу жумладан чет давлатларнинг қонунчиликда) назарда тутилган ва (ёки) ушбу бадалларни, йиғимларни ва бошқа тўловларни тўлаган солиқ тўловчилар томонидан фаолиятни амалга оширишнинг шарти ёхуд мазкур ташкилотлар томонидан солиқ тўловчилар ўз фаолиятини юритиши учун зарур хизматлар тақдим этишнинг шарти бўлган ҳоллар мустасно;

35) **0132-сатрда**- хўжалик шартномалари шартларини бузганлик учун тўланган ёки тан олинган жарималар, пенялар ва санкцияларнинг бошқа турлари;

36) **0133-сатрда**- Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 348-моддаси 2-қисмида келтирилган харажатлар;

37) **0134-сатрда**- Ўзбекистон Республикаси халқаро шартномаси қоидаларига кўра норезидентнинг бошқарувга оид ва умуммаъмурий харажатлари;

38) Ушбу илованинг 0101-0134-сатрларида кўрсатилмаган бошқа харажатлар кўрсатилади. 01351-сатр - 01360-сатрлар йиғиндиси;

Ушбу иловада солиқ тўловчи томонидан Ўзбекистон Республикасида ҳам, унинг худудидан ташқарида ҳам ҳисобот (солиқ) даври давомида амалга оширилган

(кўрилган), асосланган ва ҳужжатлар билан тасдиқланган чиқимлари (Солиқ кодекснинг 333–336-моддаларида назарда тутилган ҳолларда эса зарарлар) харажатлар деб эътироф этилади.

Асосланган харажатлар деганда баҳоси пул шаклида ифодаланган, иқтисодий жиҳатдан ўзини оқлаган чиқимлар тушунилади.

Ҳар қандай чиқимлар, башарти улар ҳеч бўлмаганда қуйидаги шартлардан бирига мувофиқ келган тақдирда, иқтисодий жиҳатдан ўзини оқлаган чиқимлар деб эътироф этилади:

1) даромад олишга қаратилган фаолиятни амалга ошириш мақсадида қилинган бўлса;

2) шундай тадбиркорлик фаолиятини сақлаб туриш ёки ривожлантириш учун зарур бўлса ёхуд хизмат қилса ва харажатларнинг тадбиркорлик фаолияти билан алоқаси аниқ асосланган бўлса;

3) қонун ҳужжатларининг қоидаларидан келиб чиқса.

Ҳужжатлар билан тасдиқланган харажатлар деганда қуйидаги ҳужжатлар билан тасдиқланган чиқимлар тушунилади:

1) Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатларига мувофиқ расмийлаштирилган ҳужжатлар;

2) тегишли харажатлар амалга оширилган чет давлат ҳудудида қўлланиладиган тартибга мувофиқ расмийлаштирилган ҳужжатлар;

3) бошқа шаклда расмийлаштирилган, шу жумладан хизмат сафари тўғрисидаги буйруқ, йўл ҳужжатлари, шартномага мувофиқ кўрсатилган хизмат ҳақидаги ҳисобот билан расмийлаштирилган ҳужжатлар.

Агар айтилган бир харажатлар харажатларнинг бир нечта моддасида назарда тутилган бўлса, солиқ базасини ҳисоб-китоб қилишда мазкур харажатлар фақат бир марта чегириб ташланади.

Ҳисоб-китобнинг солиқ ҳисоби маълумотларига кўра харажатлар (зарарлар)

2.1-иловани тўлдириш тартиби

Диққат !!!

Мазкур илова солиқ ҳисоботини йил якуни бўйича тақдим этилганда тўлдирилади.

Иловада харажатлар икки гуруҳга ажратилган, булар сотилган товарлар (хизматлар) таннархи (020-сатр) ва жорий даврда амалга оширилган 020-сатрда кўрсатилганлардан ташқари бошқа харажатлар (030-сатр).

Сотилган товарлар (хизматлар) таннархи 020-сатр кўрсаткичлари солиқ тўловчининг танловига кўра ҳисоб-китобнинг 2.1(а)-илуваси 090-сатри 5, 7-устунлари ёки 2.1(б)-илуваси 090-сатри 4, 6-устунларидан автоматик равишда шаклланади.

Жорий даврда амалга оширилган 020-сатрда кўрсатилганлардан ташқари бошқа харажатлар 030-сатр кўрсаткичлари – 0301-0334-сатрлар йиғиндисидан автоматик равишда шаклланади.

Ҳисоб-китобнинг бевосита харажатлар моддалари асосида товарлар (хизматлар) таннарни (ўз маҳсулоти (жу жумладан бажарилган хизматлар), сотиб олинган товарлар) ҳисоб-китоби 2.1(а)-иловани тўлдириш тартиби
Диққат !!!

Мазкур илова солиқ ҳисоботини йил якуни бўйича тақдим этилганда тўлдирилади.

Мазкур илова бухгалтерия ҳисобини юритиш ва молиявий ҳисобот тузиш учун ҳисоб сиёсатида маҳсулот ишлаб чиқариш харажатларини **моддалари асосида** ҳисоб хужжатларини тузувчи солиқ тўловчилар томонидан тўлдирилади.

Илова қуйидаги учта қисмдан иборат:

- Бухгалтерия ҳисоби
- Солиқ ҳисоби - мутаносиб усул
- Солиқ ҳисоби - тўғридан-тўғри ҳисобга олиш усули

Солиқ ҳисоби бўйича сотилган товарлар (хизматлар) таннарни солиқ тўловчи томонидан ҳисоб сиёсатида назарда тутилган харажатларни ҳисобга олишнинг иккита усулидан бири мутаносиб ёки тўғридан-тўғри усулни танлаш орқали тўлдирилади.

Солиқ ҳисоби бўйича мутаносиб усул танланганда, солиқ давр охирига тугалланмаган ишлаб чиқариш (040-сатр) ва тайёр (сотиш учун мўлжалланган) маҳсулотлар қиймати (080-сатр) кўрсаткичлари бухгалтерия ҳисоби маълумотлари асосида шаклланган тегишли солиқ коэффициентига мутаносиб равишда автоматик тарзда шаклланади.

Солиқ ҳисоби бўйича тўғридан-тўғри ҳисобга олиш усули танланганда харажатлар моддалари асосида мустақил равишда солиқ ҳисоби маълумотлари асосида шакллантирилади.

– 010-сатр солиқ даври бошига тугалланмаган ишлаб чиқариш қиймати 0101-0104-сатрлардаги харажатлар моддалари асосида автоматик равишда шаклланади.

– 020-сатр жорий даврда маҳсулот ишлаб чиқариш, ишлар бажариш ва хизмат кўрсатиш учун амалга оширилган чиқимлар 0201-0204-сатрлардаги харажатлар моддалари асосида автоматик равишда шаклланади.

– 030-сатр жорий даврда маҳсулот ишлаб чиқариш, ишлар бажариш ва хизмат кўрсатиш учун амалга оширилган жами харажатлар 010-020-сатрлар йиғиндисидан автоматик равишда шаклланади.

– 040-сатр солиқ давр охирига тугалланмаган ишлаб чиқариш қиймати 0401-0404-сатрлардаги харажатлар моддалари асосида автоматик равишда шаклланади.

– 050-сатр солиқ даври бошидаги (сотиш учун мўлжалланган) тайёр маҳсулотлар қиймати ўз ишлаб чиқарилган маҳсулотлар (0501-сатр) ва қайта сотиш учун сотиб олинган товарлар қийматидан (0502-сатр) автоматик равишда шаклланади.

– 060-сатр жорий даврда кирим қилинган (сотиш учун мўлжалланган) тайёр маҳсулотларнинг қиймати 0601-0602-сатрлар йиғиндисидан автоматик равишда шаклланади.

– 070-сатр жорий даврдаги (сотиш учун мўлжалланган) тайёр маҳсулотларнинг умумий қиймати 050-060-сатрлар йиғиндисидан автоматик равишда шаклланади.

– 080-сатр давр охирига (сотиш учун мўлжалланган) тайёр маҳсулотлар қиймати 0801-0802-сатрлар йиғиндисидан автоматик равишда шаклланади.

– 090-сатр сотилган товарлар (хизматлар) таннархи 070-080-сатрлар айирмасидан автоматик равишда шаклланади.

Ҳисоб-китобнинг Бевосита харажатлар сумма асосида товарлар (хизматлар) таннархи (ўз маҳсулоти (жу жумладан бажарилган хизматлар), сотиб олинган товарлар) ҳисоб-китоби 2.1(б)-иловани тўлдириш тартиби.

Дикқат !!!

Мазкур илова солиқ ҳисоботини йил якуни бўйича тақдим этилганда тўлдирилади.

Мазкур илова бухгалтерия ҳисобини юритиш ва молиявий ҳисобот тузиш учун ҳисоб сиёсатида маҳсулот ишлаб чиқариш харажатларини умумий миқдор кўрсаткичлари асосида ҳисоб ҳужжатларини тузувчи солиқ тўловчилар томонидан тўлдирилади.

Илова қуйидаги учта қисмдан иборат:

- Бухгалтерия ҳисоби
- Солиқ ҳисоби - мутаносиб усул
- Солиқ ҳисоби - тўғридан-тўғри ҳисобга олиш усули

Солиқ ҳисоби бўйича сотилган товарлар (хизматлар) таннархи солиқ тўловчи томонидан ҳисоб сиёсатида назарда тутилган харажатларни ҳисобга олишнинг иккита усулидан бири мутаносиб ёки тўғридан-тўғри усулни танлаш орқали тўлдирилади.

Солиқ ҳисоби бўйича мутаносиб усул танланганда, солиқ давр охирига тугалланмаган ишлаб чиқариш (040-сатр) ва тайёр (сотиш учун мўлжалланган) маҳсулотлар қиймати (080-сатр) кўрсаткичлари бухгалтерия ҳисоби маълумотлари асосида шаклланган тегишли солиқ улушига мутаносиб равишда автоматик тарзда шаклланади.

Солиқ ҳисоби бўйича тўғридан-тўғри ҳисобга олиш усули танланганда харажатлар умумий миқдор кўрсаткичлари асосида мустақил равишда солиқ ҳисоби маълумотлари асосида шакллантирилади.

– 010-сатр солиқ даври бошига тугалланмаган ишлаб чиқариш қиймати акс эттирилади.

– 020-сатр жорий даврда маҳсулот ишлаб чиқариш, ишлар бажариш ва хизмат кўрсатиш учун амалга оширилган чиқимлар 0201-0204-сатрлардаги харажатлар моддалари асосида автоматик равишда шаклланади.

– 030-сатр жорий даврда маҳсулот ишлаб чиқариш, ишлар бажариш ва хизмат кўрсатиш учун амалга оширилган жами харажатлар 010-020-сатрлар йиғиндисидан автоматик равишда шаклланади.

– 040-сатр солиқ давр охирига тугалланмаган ишлаб чиқариш қиймати акс эттирилади.

– 050-сатр солиқ даври бошидаги (сотиш учун мўлжалланган) тайёр маҳсулотлар қиймати ўз ишлаб чиқарилган маҳсулотлар (0501-сатр) ва қайта сотиш учун сотиб олинган товарлар қийматидан (0502-сатр) автоматик равишда шаклланади.

– 060-сатр жорий даврда кирим қилинган (сотиш учун мўлжалланган) тайёр маҳсулотларнинг қиймати 0601-0602-сатрлар йиғиндисидан автоматик равишда шаклланади.

– 070-сатр жорий даврдаги (сотиш учун мўлжалланган) тайёр маҳсулотларнинг умумий қиймати 050-060-сатрлар йиғиндисидан автоматик равишда шаклланади.

– 080-сатр давр охирига (сотиш учун мўлжалланган) тайёр маҳсулотлар қиймати 0801-0802-сатрлар йиғиндисидан автоматик равишда шаклланади.

– 090-сатр сотилган товарлар (хизматлар) таннарихи 070-080-сатрлар айирмасидан автоматик равишда шаклланади.

Ҳисоб-китобнинг 3-иловасини тўлдириш тартиби

4-илова Ўзбекистон Республика Солиқ кодексининг 308-моддасида белгиланган талаблар бўйича тўлдирилади. Инвестициявий чегирма амортизация харажати деб эътироф этилади.

4-иловада қуйидагилар кўрсатилади;

1) **010-сатрда** – жорий ҳисобот (солиқ) даври учун маблағларнинг инвестицияларга сарфланиши – жами суммаси;

2) **020-сатрда** - янги технологик ускуналар қийматининг, ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техник ва (ёки) технологик жиҳатдан қайта жиҳозлаш харажатларининг ва (ёки) ахборот тизимларини яратишга доир инвестиция лойиҳалари доирасида маҳаллий ишлаб чиқаришнинг дастурий таъминотини сотиб олишга йўналтирилладиган маблағлар;

3) **030-сатрда** ишлаб чиқаришни янги қурилиш шаклида кенгайтиришга, ишлаб чиқариш эҳтиёжлари учун фойдаланиладиган бинолар ва иншоотларни реконструкция қилишга йўналтирилладиган маблағлар;

4) **040-сатрда** 020-сатр бўйича 20 фоиз инвестициявий чегирма миқдори;

- 5) **050-сатрда** 030-сатр бўйича 10 фоиз инвестициявий чегирма миқдори;
6) **060-сатрда** жами инвестициявий чегирма миқдори кўрсатилади ва чегириладиган харажатлар таркибига киради.

Ҳисоб-китобнинг асосий воситаларнинг амортизацияси ҳисоб-китоби маълумотномаси 4-иловани тўлдириш тартиби.

Диққат !!!

Мазкур илова солиқ ҳисоботини йил якуни бўйича тақдим этилганда тўлдирилади.

Мазкур иловалар солиқ ҳисоботини йил якуни бўйича тақдим этилганда Солиқ кодексининг 306-моддасида белгиланган талаблар бўйича тўлдирилади.

Асосий воситаларнинг амортизацияси ҳисоб-китоби маълумотномаси қуйидаги учта қисмдан иборат:

I. Амортизация қилинадиган асосий воситалар;

II. Асосий воситаларнинг амортизацияси;

III. Асосий воситаларнинг қолдиқ қиймати;

I. Амортизация қилинадиган асосий воситалар қисмида қуйидаги кўрсаткичлар акс эттирилади:

3-устунида тегишли гуруҳлар бўйича ҳисобот даври бошига асосий воситаларнинг бошланғич қиймати, 4-9-устунларда солиқ даврида келиб тушган асосий воситалар ва уларнинг қийматидаги ўзгаришлар, 10-устунида солиқ даврида фойдаланишдан чиқарилган асосий воситаларнинг қиймати ҳамда 11-устунида ҳисобот даври охирига амортизация қилинадиган асосий воситалар қиймати автоматик равишда акс эттирилади.

II. Асосий воситаларнинг амортизацияси қисмида қуйидаги кўрсаткичлар акс эттирилади:

12-устунда тегишли гуруҳлар бўйича ҳисобот даври бошига жамғарилган амортизация, 13-устунда солиқ даврида ҳисобланган амортизация, 14-устунда қўлланилган инвестициявий чегирма, 15-устунда солиқ даврида фойдаланишдан чиқарилган асосий воситалар бўйича амортизация ва 16-устунда ҳисобот даври охирига жамғарилган амортизация автоматик равишда акс эттирилади.

III. Асосий воситаларнинг қолдиқ қиймати бўйича 17-устунда солиқ даври бошига ва 18-устунда солиқ даври охирига қолдиқ қиймат автоматик равишда акс эттирилади.

Ҳисоб-китобнинг номоддий активлар амортизация харажатлари ҳисоб-китоби маълумотномаси 5-иловани тўлдириш тартиби.

Диққат !!!

Мазкур илова солиқ ҳисоботини йил якуни бўйича тақдим этилганда тўлдирилади.

Мазкур иловалар солиқ ҳисоботини йил якуни бўйича тақдим этилганда Солиқ кодексининг 307-моддасида белгиланган талаблар бўйича тўлдирилади.

Номоддий активлар амортизация харажатлари ҳисоб-китоби маълумотномаси қуйидаги иккита қисмдан иборат:

I. Амортизация қилинадиган номоддий активлар;

II. Фойдаланиш муддатини аниқлаш имкони бўлмаган номоддий активлар;

I. Амортизация қилинадиган номоддий активлар қисмида қуйидаги кўрсаткичлар акс эттирилади:

– 010-сатрида номоддий активларнинг солиқ даври бошидаги қиймати,

020-021-сатрларида солиқ даврида келиб тушган номоддий активларнинг қиймати ва ўзгариши, 030-сатрда солиқ даврида ҳисобдан чиқарилган номоддий активларнинг қиймати ҳамда 040-сатрда номоддий активларнинг солиқ даври охиридаги қиймати автоматик равишда акс эттирилади.

– 050-сатрда солиқ даври бошига жамғарилган амортизация, 060-сатрда солиқ даври давомида ҳисобланган амортизация, 062-сатрда солиқ даврида ҳисобдан чиқарилган номоддий активлар бўйича амортизация ва 070-сатрда солиқ даври охирида жамғарилган амортизация автоматик равишда акс эттирилади.

– 080-сатрда солиқ даври бошига ва 090-сатрда солиқ даври охирига қолдиқ қиймат автоматик равишда акс эттирилади.

II. Фойдаланиш муддатини аниқлаш имкони бўлмаган номоддий активлар бўйича 100-180-сатрлар ҳам худди шу тартибда тўлдирилади.

Ҳисоб-китобнинг имтиёзлар бўйича 6-иловасини тўлдириш тартиби

6-илова алоҳида фаолият турлари билан шуғулланаётган солиқ тўловчилар учун Ўзбекистон Республикаси норматив-ҳужжатларга мувофиқ фойда солиғидан имтиёзлар ва камайтиришларни акс эттиришга мўлжалланган.

6-илова устунларида қуйидагилар акс эттирилади:

“Сумма” – 3-устунда;

“Салмоғи, %” – 4-устунда. Ушбу устуннинг 011-016-сатрларида фойдаси солиқ солишдан озод этиладиган товарларни (хизматларни) реализация қилиш ҳажмининг салмоғи келтирилади.

6-иловада қуйидагилар кўрсатилади:

– **010-сатрда** – товарларни (хизматларни) реализация қилишдан олинган даромад суммаси ҳисоб-китобнинг 1-иловаси 020-сатридан автоматик равишда шаклланади;

– **011-016-сатрларда** - фойдаси норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар асосида Фойда солиғидан озод этиладиган товарлар (хизматлар) реализациясидан даромадлар суммаси;

Даромад ва харажатларни ҳисобга олишнинг тўғридан-тўғри усулини қўллайдиган солиқ тўловчилар 011 - 016-сатрларни тўлдирмайдилар;

– **020-сатрда** - Солиқ солинадиган фойда. Ушбу сатрда Ҳисоб-китобнинг 030-сатридаги сумма келтирилади;

– **030-сатрда** – имтиёзлар жами. Ушбу сатрнинг қиймати 040-050-сатрлар қийматларининг йиғиндиси сифатида аниқланади.

– **040-сатрда** - солиқ солинадиган фойдани ўтган солиқ даврларида олинган зарар суммасига камайтирилиши. Ушбу сатр Ҳисоб-китобнинг 8-иловаси 050-сатрига тенг;

Диққат !!!

Фойда солиғи тўловчилари шахсий кабинетдаги "Солиқ имтиёзларидан фойдаланиш бўйича мурожаат" интерактив хизмати ёрдамида солиқ органларини хабардор қилиш орқали мавжуд имтиёзлардан фойдаланишлари мумкин.

Бунда мавжуд солиқ имтиёзлари қуйидаги икки турга ажратилган:

– **050-сатр** - Солиқ кодекси ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар асосида фойда солиғидан озод этиш тарзидаги имтиёзлар (051-056-сатрлар);

Солиқ кодекси ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар асосида фойда солиғидан тўлиқ озод этиш тарзидаги имтиёзлар илованинг 051-056-сатрларида норматив-ҳуқуқий ҳужжатнинг тури, санаси, рақами, номи ва имтиёз суммаси кўрсатган ҳолда тўлдиришлари лозим бўлади. Бунда солиқ имтиёзи белгиланган тартибда ҳисоб-китобнинг 040-сатрида автоматик акс этирилиб, солиқ базасидан чегирилади.

– **060-сатр** - Солиқ кодекси ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга мувофиқ пасайтирилган солиқ ставкаларини қўллаш тарзидаги имтиёзлар (061-066-сатрлар);

Солиқ кодекси ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга мувофиқ пасайтирилган солиқ ставкаларини қўллаш тарзидаги имтиёзлар илованинг 061-066-сатрларида пасайтирилган солиқ ставкаларини қўллашга асос бўлган ҳужжатнинг тури, санаси, рақами, номи ва пасайтирилган солиқ ставкаси қўлланиладиган фаолияти бўйича товарларни (хизматларни) реализация қилишдан олинган даромад суммаси акс этирилиши лозим бўлади.

Бунда ҳисоб-китобнинг 070-сатрида Солиқ кодекси ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга мувофиқ белгиланган пасайтирилган солиқ ставка автоматик равишда акс этирилади.

Ҳисоб-китобнинг 7-иловасини тўлдириш тартиби

7-илова Ўзбекистон Республика Солиқ кодексининг 337-моддасида белгиланган ноль ставка қўлланиладиган солиқ тўловчиларнинг фойдасини аниқлаш учун мўлжалланган.

7-иловада қуйидагилар кўрсатилади;

1) 010-сатрда – Жами даромадлар (Ҳисоб-китоб 1-иловасининг 010-сатри);

2) 011-сатрда - ўзи ишлаб чиқарган ўз кишлок хўжалиги маҳсулотини реализация қилишдан олинган даромадлар кўрсатилади, бунда мазкур олинган даромад жами даромаднинг 90 фоиз кўпроғини ташкил этган тақдирда ноль ставка қўлланилади.

3) 012-сатрда – ижтимоий соҳада фаолиятни амалга оширишдан даромадлар кўрсатилади, бунда мазкур олинган даромад жами даромаднинг камида 90 фоиз ташкил этиши шарти бажарилса, олинган фойдасига ноль ставка қўлланилади. (СК-59 ва 337-моддалари)

4) 013-сатрда - Қўшимча манбалардан даромадлар олувчи бюджет ташкилотлари;

5) 014-сатрда - Ягона иштирокчилари ногиронлиги бўлган шахсларнинг жамоат бирлашмалари бўлган ва умумий ходимлар сонидан ногиронлиги бўлган шахслар камида 50 фоизни ташкил этадиган ва ногиронлиги бўлган шахсларнинг меҳнатига ҳақ тўлаш жамғармаси меҳнатга ҳақ тўлаш умумий фондининг камида 50 фоизини ташкил этадиган солиқ тўловчилар;

6) 015-сатрда - Халқ банки томонидан фуқароларнинг шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварақларидаги маблағлардан фойдаланишдан олинган даромадлари бўйича нисбатан ноль ставка қўлланилади;

7) 016-сатрда - товарларни (хизматларни) экспортга реализация қилишдан олинган даромадлар кўрсатилади.

8) 020-сатрда - солиқ солинадиган фойда ((Ҳисоб-китобнинг 030-сатри)

9) 31-036-сатрларда ноль ставка қўлланилиши лозим бўлган фойда суммаси кўрсатилади.

Ҳисоб-китобнинг 8-иловасини тўлдириш тартиби

8-илова ҳисобот (солиқ) давридаги солиқ солинадиган фойдани камайтирадиган ўтган йил (ўтган йиллар) зарари ёки зарарнинг бир қисми суммасини ҳисоб-китоб қилиш учун мўлжалланган.

8-иловада қуйидагилар кўрсатилади:

1) **010-сатр** – Жорий солиқ даврининг боши ҳолатига ўтказилмаган зарар қолдиғи жами суммаси. Ушбу сатр қиймати 0101-0105-сатрлар қийматларининг йиғиндиси сифатида аниқланади;

2) 0101-0105 сатрларда – ўтган солиқ даврларда олинган ва ҳар бир олдинги йилда қопланмаган зарарлар суммаси;

3) 020-сатрда жорий йилда олинган зарар суммаси. Ушбу сатр Ҳисоб-китобнинг 010-сатридан - 020-сатрлари айрилганига тенг;

4) 030-сатр бўйича – ўтган йилги зарарларни тақсимлаб ўтказиш муносабати билан жорий даврдаги солиқ солинадиган фойдани камайтириш мумкин бўлган максимал суммани аниқлаш учун зарур бўлган ҳисобланган солиқ солинадиган фойда. *Ҳисоб-китобнинг 030-сатри;*

5) 040-сатрда - Жорий солиқ даврида солиқ солинадиган фойдани зарар ёки зарарнинг бир қисмига камайтирадиган энг юқори суммаси. (3-устун 030-сатр х 50%);

6) 050-сатрда–жорий солиқ даврида солиқ солинадиган фойдани камайтирадиган зарар суммаси,

Ушбу сатрнинг қиймати қуйидагига тенг:

010-сатр қийматига, агар 010-сатр суммаси 040-сатр суммаси кам бўлса;

040-сатр суммасига, агар 010-сатр суммаси 040-сатрига тенг ёки ундан кўп бўлса;

7) 060-сатрда – жорий солиқ даврининг охирига ўтказилмаган зарарнинг қолдиғи жами суммаси. Ушбу сатр қиймати 0601 – 0605-сатрлар йиғиндисига тенг;

8) 0601-0605-сатрларда – жорий солиқ даврининг охирига тақсимлаб ўтказилмаган ўтган йиллар зарарларининг қолдиқлари кўрсатилади;

Ҳисоб-китобнинг 9-иловасини тўлдириш тартиби

9-илова Солиқ кодексининг 336-моддасига мувофиқ операцияларнинг айрим турлари бўйича зарарларни ўтказишнинг ўзига хос хусусиятлари ҳисоб-китоб қилиш учун мўлжалланган.

3 ва 4-устунда юридик шахснинг мол-мулк мажмуи сифатидаги корхонани устав фондида (устав капиталида) иштирок этиш улушини реализация қилишдан ёки унинг бошқача тарзда чиқиб кетишидан кўрилган зарар реализация қилинган (чиқиб кетган) активларга айнан ўхшаш активларни реализация қилишдан (уларнинг чиқиб кетишидан) олинган даромадлар ҳисобидан компенсация қилинади.

5-устунда ишончли бошқарув шартномаси кўрилган зарарлар ишончли бошқарув муассисининг солиқ базасини белгилашда ҳисобга олинмайди. Бундай зарарлар ушбу ишончли бошқарувнинг келгусидаги даромадларига ўтказилади.

6-устунда оддий ширкат шартномасида (биргаликдаги фаолият тўғрисидаги шартномада) иштирок этишдан шерикларнинг (иштирокчиларнинг) олган зарари ишончли шахсда ушбу оддий ширкат оладиган келгуси даромадларга ўтказилади.

7-устунда хизмат кўрсатувчи хўжаликлардан кўрилган зарарлар биргаликда аниқланади ва тадбиркорлик фаолиятидан олинадиган солиқ базасини аниқлашда ҳисобга олинмайди. Бундай зарарлар шу хизмат кўрсатувчи хўжаликлардан олинадиган келгуси даромадларга ўтказилади.

8-устунда муомалада бўлмаган қимматли қоғозлар ва муддатли битимларнинг муомалада бўлмаган молиявий воситаларига доир операциялар бўйича зарарлар аниқланади ва худди шундай операциялардан олинган даромадлар ҳисобидан ҳар бир солиқ базаси доирасида компенсация қилинади.

9-илованинг сатрларида қуйидагилар кўрсатилади:

1) 010-сатрда – ўтган солиқ даврларида айрим операциялар бўйича зарарлар қолдиғи жами суммаси.

2) 020-сатрда 3-8 устунларда кўрсатилган операциялар бўйича солиққа тортиладиган даромадлар;

3) 030-сатр бўйича – 3-8 устунларда кўрсатилган операциялар жами харажатлар;

4) 040-сатрда – чегирилмайдиган харажатлар;

5) 050-сатрда – ҳисобот (солиқ) даврида солиқ солинадиган фойда Ушбу сатр қиймати $(020\text{-сатр} - 030\text{-сатр} + 040\text{-сатр})$ сатрлар йиғиндисиغا тенг;

6) 060-сатрда – жорий солиқ даврида кўрилган зарар. Ушбу сатр қиймати $(020\text{-сатр} - 030\text{-сатр} + 040\text{-сатр})$ сатрлар йиғиндисиغا тенг;

7) 070-сатрда ҳисобот (солиқ) даври учун солиқ базасини оширадиган фойда суммаси жами $(050\text{-сатр} - 010\text{-сатр})$;

8) Жорий ҳисобот (солиқ) даврида айрим операциялар бўйича қопланмаган қолдиғи;

Ҳисоб-китобнинг 10-иловасини тўлдириш тартиби

1) Ҳисоб-китобнинг 10-иловаси “Ҳисобга олинishi лозим бўлган Ўзбекистон Республикасидан ташқарида тўланган фойда солиғи суммаси” деб номланади ва ҳисоб-китобнинг 140-сатрда автоматик тарзда ҳисобга олинади.

2) Мазкур илова солиқ тўловчи томонидан Ўзбекистон Республикасидан ташқарида товар (иш, хизмат) ларни сотишдан олинган даромадлар ва шулар доирасида тўланган фойда солиғи суммасини киритиш орқали тўлдирилади. Бунда Ҳисоб-китобга Ўзбекистон Республикасидан ташқарида олинган даромаддан тўланган солиқ суммасини ҳисобга олиш учун чет давлат ваколатли органининг тўлов хабарномаси, маълумотномаси ёки солиқ тўланганлигини тасдиқловчи бошқа ҳужжат илова қилинади.

Ҳисоб-китобнинг 11-иловасини тўлдириш тартиби

1) Ҳисоб-китобнинг 9-иловаси “Ўзбекистон Республикаси резидентлари томонидан Ўзбекистон Республикасидан ташқарида олинishi лозим бўлган (олинган) дивиденд тариқасидаги даромадлардан Фойда солиғининг ҳисоб-китоб маълумотномаси”.

2) Ушбу илова Ўзбекистон Республикасидан ташқарида олинishi лозим бўлган (олинган) дивидендлар суммасини, ҳақиқатда тўланган дивидендлар суммасини ҳамда иккиёклама солиқ солишнинг олдини олиш тўғрисидаги битимга мувофиқ ҳисобга олинадиган Ўзбекистон Республикасидан ташқарида солиқ тўланганлигини тасдиқловчи ҳужжатлар мавжуд солиқ суммаларини киритиш орқали тўлдирилади ҳамда Ҳисоб-китобнинг 110-сатрида автоматик тарзда ҳисобга олинади.

Ҳисоб-китобнинг 12-иловасини тўлдириш тартиби.

Мазкур илова солиқ тўловчи томонидан солиқ кодексининг 177-моддасига мувофиқ мустақил равишда тузатиш киритилган ҳар бир битим бўйича идентификация қилиш имконини берадиган маълумотларни ҳисоботнинг 1-иловаси трансферт нархни белгилаш натижасида олинмаган даромад суммаси (170-сатри) ва 2-иловаси трансферт нархни белгилаш натижасида оширилган харажат суммаси (0118-сатри) кўрсаткичлари тўлдирилганда тушунтиришлар тақдим этиш мақсадида тўлдирилади.

**Солиқ қўмитасининг
Солиқ тўловчиларга хизмат кўрсатиш департаменти**

@soliqnews